



BUYRUQ

Toshkent sh.

ПРИКАЗ

г. Ташкент

2018y «31» 10 dagi 318-sonli

**Аттестация комиссиясини
ташkil этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида 2017 йил 21 июлда 2899-сон билан рўйхатга олинган “Сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Сифат бўйича эксперт-аудиторликка номзодларни аттестациядан ўтказиш мақсадида Аттестация комиссияси ташkil этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Сифат бўйича эксперт-аудиторликка номзодларни аттестациядан ўтказиш бўйича комиссия котиби (Юнусов) аттестациядан муваффақиятли ўтган номзодларга сифат бўйича эксперт-аудитор гувоҳномасини расмийлаштириш ва Бош директор тасдиғига киритилиши таъминлансин.

3. “Ўзстандарт” агентлигининг 2018 йил 22 февралдаги 81-сон буйруғи 1-банди ва 2-бандининг тўртинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор

 Д. Саттаров

Сифат бўйича эксперт-аудиторликка номзодларни аттестациядан
ўтказиш бўйича Аттестация комиссияси
ТАРКИБИ

Аттестация Кенгаши раиси:	Д.Саттаров	Бош директор
Аттестация Кенгаши аъзолари:	Ж.Шукуров	Бош директор ўринбосари
	А.Абдуқаюмов	Бош метролог
	О.Тохиров	МБваСТЖЭ бошқармаси бошлиғи
	Р.Хуснуллин	СДНМ бошқармаси бошлиғи
	Д.Ходжикариев	ТЖТС бошқармаси бошлиғи
	Г.Газиев	СМСИТИ директори
	А.Мустафаев	“РССМ” ДК директори
	Л.Саидорипов	“ЎзММИ” ДК директори ўринбосари
	А.Зокиров	“АхММ” директори
	Э.Рахманов	Бош юрисконсульт
	С.Агзамов	Умумий бўлим бошлиғи
	Б.Инагамов	Кадрлар бўйича Бош мутахассис
Аттестация Кенгаши котиби:	Д.Юнусов	МБваСТЖЭ бошқармаси етакчи мутахассиси

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ишчи гуруҳ таркибига уларнинг лавозимига янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.